

“Болаларга беринг дунёни” республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди



Жорий йилнинг 29 ноябрь куни Шеробод туманидаги маданият марказида мазкур танловнинг ҳудудий босқичи ўтказилди. Тадбирда туман прокурори катта ёрдамчиси А.Аминов ва Халқ таълими бўлими мудири А.Ҳакимовлар иштирок этишди.

Расмлар кўрик-танловида 50 нафарга яқин тўғарак аъзолари фаол қатнашдилар. Натижаларга кўра, 1-ўрин: 3-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ўралова Муштарийбонуга, 2-ўрин: 66-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ибрагимова Манзура ва 56-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ёкубова Шоҳистага, 3-ўрин: 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Норматов Ҳавасбек ва 16-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Асадуллаева Севинчларга насиб этди. Кўрик-танловда ғолиб бўлган ўқувчилар, туман Прокуратураси ва "Баркамол авлод" болалар мактабининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.